

Туробов Шерзод Алишерович,
 Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти
 “Ишлаб чиқаришда бухгалтерия ҳисоби”
 кафедраси катта ўқитувчиси,
Азаматова Гулсара Исоқовна,
 Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти,
 “Иқтисодиёт” факультети 3 босқич талабаси

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

УДК 334.024

ТУРОБОВ Ш.А., АЗАМАТОВА Г.И. ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА УЙ ХЎЖАЛИКЛАРИ ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ МИНТАҚАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақолада уй хўжаликларида тадбиркорлик шаклини кенгайтириш ва қўллаб-қувватлаш иқтисодий ривожланиш ва тараққиёт мезони сифатида кўриб чиқилган. Қашқадарё вилояти уй хўжаликлари мисолида унинг афзал томонлари кўрсатиб ўтилган. Уй хўжаликларида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш бўйича давлат сиёсатини юритиш мамлакатдаги қатор ижтимоий-иқтисодий муаммолар ечими эканлиги очиб берилган.

Таянч иборалар: уй хўжалиги, оила хўжалиги, шахсий ёрдамчи хўжалик, инновацион иқтисодиёт, бошқариш усуллари, тадбиркорлик фаолияти.

ТУРОБОВ Ш.А., АЗАМАТОВА Г.И. РЕГИОНАЛЬНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ВЕДЕНИЯ ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ДОМАШНИХ ХОЗЯЙСТВ В КАШКАДАРЬИНСКОЙ ОБЛАСТИ

В статье уделено внимание распространению форм предпринимательства в домашних хозяйствах. Показаны его положительные стороны на примере домашних хозяйств Кашкадарьинской области. Раскрыты решения социально-экономических проблем ведения государственной политики по развитию предпринимательской деятельности в домашних хозяйствах.

Ключевые слова: домашнее хозяйство, семейное хозяйство, личное вспомогательное хозяйство, инновационная экономика, методы управления, предпринимательская деятельность.

TUROBOV SH.A., AZAMATOVA G.I. REGIONAL ASPECTS OF CONDUCTING ENTREPRENEURSHIP OF HOUSEHOLDS IN KASHKADARYA REGION

The article focuses on the entrepreneurship spreading among of householders. The positive sides of that are shown on the example of households in the Kashkadarya region. There is disclosed the solutions to socio-economic problems of conducting state policy on the development of entrepreneurial activity in households.

Key words: household, family economy, personal support economy, innovative economy, methods of management, business activity.

Кириш.

Ҳар бир мамлакат ўз ҳудудидаги оилаларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ечиш ёки уларни енгиллаштиришга ҳаракат қилади. Бу муаммоларни ҳал қилишнинг энг самарали ва синалган усули бўлиб уларга ўз-ўзини таъминлаш ва банд қилиш имкониятларини яратиш. Бунинг учун оилаларда кичик ва микро тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмлари ва фаолиятларини натижали йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш лозим.

Тадқиқот мавзусининг долзарблиги.

Бозор иқтисодиёти шароитида уй хўжаликлари даромадларининг ҳажми муҳим аҳамият касб этади. Даромадларнинг етарли бўлиши уларнинг тўлақонли овқатланиши, кийиниши, тиббий хизматлардан кенг фойдаланиши, фарзандлари учун уй-жой ва бошқа зарурий буюмларни тасарруф этиши, ривожланишнинг бошқа эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида инқироз даврида ҳам инвестиция қилиш ва уларни ўқитиш учун тежаши учун зарур омил бўлиб хизмат қилади.

Уй хўжаликларининг хулқ-атворини таҳлил қилиш 1950 йилдан бошлаб кенг доирада урганила бошланди. 1970 йиллардан бошлаб кўплаб нашрларда никоҳ ва туғилишнинг кечиши, бандлик ва таълимга оид мақолалар чоп этилди. Хусусан, Г.Беккернинг никоҳ бозорини таҳлил қилиш бўйича новаторлик иши нашр этилди. "Оила иқтисодиёти" номли илмий ишлар тўплами Т.Шульц таҳрири остида 1974 йилда нашр этилди. 1981 йилда Г.Беккернинг "Оила ҳақида трактат" номли асарининг биринчи нашри чоп этилди. Шундан буён уй хўжаликлари хулқ-атворини таҳлил қилишнинг иқтисодий ёндашувлари бўйича (Cigno, 1991; Kooreman, Wunderink, 1997; Browning, Chiappori, Weiss, 2014) бир қанча асарлар нашр қилинишига қарамай, уларнинг барчаси Г.Беккернинг тадқиқотларидаги инсоннинг ҳатти-ҳаракати (Беккер, 2003, 28–48 б.) ва унинг оила иқтисодиёти (Becker, 1991) бўйича бўйича фундаментал тадқиқотларига асосланган.

Уй хўжаликларининг ижтимоий ва иқтисодий фаоллигини ошириш ҳар бир мамлакат тараққиёти учун муҳим вазифа ҳисобланади. Шу боис республикамизда ҳам бир қатор олимлар томонидан уй хўжаликларининг турли хусусиятлари бўйича бир қатор тадқиқотлар олиб борилган, жумладан олимлар Ш.Ш.Шодмонов,

А.В.Ваҳобов, Т.Т.Джураев, А.Ф.Хуррамов, Ч.М.Муродов, С.А.Усмонов, Б.Т.Салимов, Р.Ҳ.Хусанов, Н.Қ.Қосимов, Б.Б.Беркинов, Ф.Р.Назарова, О.О.Олимжонов, Т.Х.Фармонов, А.А.Мўминов, Н.С.Хушматов, Г.М.Шодиева ва бошқалар¹ уй хўжаликларининг моҳияти, уларни ривожлантиришнинг назарий асослари ва амалий жиҳатлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Бироқ, иқтисодиётни модернизациялашуви жараёнида уй хўжаликларининг тадбиркорлик фаолиятларининг янги жиҳатларини очиб бериш, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари ва даромадлари шаклланишининг хусусиятларини аниқлаш ва иқтисодий фаоллигини оширишда давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаблари мазкур соҳада илмий тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда.

Илмий муаммонинг қўйилиши.

Республикамиз иқлими, табиати ва ҳудудий тузилиши бўйича бошқа мамлакатлардан алоҳида ажралиб туради. Мамлакатнинг ҳудди шу хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда минтақаларда

¹ Шодмонов Ш.Ш, Джураев Т.Т. Иқтисодиёт назари-яси. Уқув қўлланма. -Т.: «Молия», 2002.; Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва уни ҳосил бўлиши. -Т.: Молия, 2002; Хуррамов А.Ф. Фермер хўжаликларида кооперациянинг назарий асослари ва муаммолари. -Т.: Фан, 2004.; Муродов Ч.М. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т. УЗБИИТИ, 2001.; Усмонов С.Н. Дехканское (фермерское) хозяйство. -Т.: 1997.; Салимов Б.Т., ва бошқалар. Деҳқон ва фермер хўжаликлари иқтисоди. -Т.: Ўзбекистан ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 2004.; Хусанов Р., Қосимов Н. Деҳқон хўжалигининг илмий-амалий асослари. -Т.: «Чўлпон» нашриёти, 2000.; Беркинов Б.Б. Деҳқончилик хўжаликлари ривожланишининг ташкилий-иқтисодий муаммолари. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида деҳқон хўжаликларини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари.-Т.: 2003.; Назарова Ф. Регулирование аграрного сектора экономики Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореферат дис. док. эконом. наук. Т.: 2001.; Олимжонов О., Фармонов Т. ва бошқ., Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари/ Олимжонов О. таҳрири остида. - Тошкент: 2005.; Мўминов А. Шахсий томорқа хўжалигининг имкониятлари. -Т.: 1988.; Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Самарқанд. 2008.

истиқомат қилаётган оилаларнинг самарали тадбиркорлик фаолиятлари билан шуғулланишлари учун ҳудуд бўйича ихтисослашувини таъминлаб, улар даромад манбаини кўпайтириш, тадбиркорлик фаолияти яшовчанлигини ошириш ва унинг мустақамлигини таъминлаш муҳим илмий аҳамият касб этади.

Тадқиқот мақсади куйидагилардан иборат.

Мамлакатимиз ҳудудларида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича амалга ошириладиган ислохотлар самара ва натижасини кўрсатиш. Қашқадарё минтақаси хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда жойларда илмий асосланган тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйиш масалаларини муҳокама қилиш. Ҳудудлар кесимида оилаларда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширилиши бўйича таҳлиллар қилиш ва аниқланган муаммолар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Илмий моҳияти.

Мақоланинг илмий моҳияти шундан иборатки, мақолада оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича ҳудуд ва аҳолининг барча имкониятларини ҳисобга олган ҳолда илмий асосланган тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишни таъминлаш ва минтақа имкониятларини баҳолаш бўйича чуқур таҳлиллар амалга оширилди, мамлакатимиздаги мавжуд ҳолатлар урганилди ва "Ҳар бир оила -тадбиркор" дастурини амалга ошириш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорида белгиланган вазифаларни амалга ошириш ва ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шуғулланиши ва барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун шарт-шароитлар яратиш бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот методлари.

Мақолада мавзуси доирасидан келиб чиққан унга оид илмий ва назарий ёндашувлар урганилиб мушоҳада қилинган. Тадқиқотда белгиланган мақсадга эришиш учун йўналиш танлаб олинган. Эмпирик тадқиқотнинг кузатиш, жамлаш, гуруҳлаш ва маълумотлар манбалари ўртасидаги алоқаларни аниқлаш усуллари билан назарий тадқиқотнинг анализ ва синтез усуллари билан кенг фойдаланилди.

Асосий натижалар.

Республикамизнинг барча ҳудудларида аҳолининг моддий фаровонлигини ошириш учун қатор меъёрий ҳуқуқий ҳужжатлар асосида самарали ишлар амалга оширилиб келинмоқда.

Буни биз Қашқадарё вилояти миқёсида куйидаги таҳлиллар негизида асослаймиз.

Қашқадарё вилоятининг умумий ҳудуди 28,7 минг квадрат километрни ташкил этиб, ўртача 1 км² га тўғри келадиган аҳоли сони 2020 йил 1 январь ҳолатига 114,3 кишини ташкил этган. Вилоятнинг ер фонди 2856,8 минг гектарни ташкил этиб, жами қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари эгалик қилган ҳамда вақтинча фойдаланадиган ер майдони 2143,7 минг гектарни, яъни, умумий ер фондининг 75% ни ташкил этади, шундан 80,1 минг гектари (жами қишлоқ хўжалиги корхона ва ташкилотлари эгалик қилган ҳамда вақтинча фойдаланадиган ер майдонининг 3,7 фоизи) аҳоли томорқа ерларидир¹.

2020 йилнинг 1 январь ҳолатига вилоят аҳолиси 3280,1 минг кишини ташкил этиб, 43% аҳоли шаҳарда, 57% аҳоли қишлоқ аҳолисини ташкил этади. Меҳнатга лаёқатли аҳоли 1810,9 минг кишини ташкил этиб, шундан иқтисодиётда банд бўлганлари 1232,9 минг киши (меҳнат ресурсларининг 68,1 фоизи)².

Вилоятнинг Қамаш туманида 2019 йилда мавжуд 52 мингта деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган 4,3 минг гектар экин майдонидан 3,9 минг гектарига эртаки ва 0,4 минг гектарига такрорий экинлар экилди. Чирокчи туманида мавжуд 53 мингта деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган 11,4 минг гектар экин майдонидан 8,2 минг гектарига эртаки ва 3,2 минг гектарига такрорий экинлар экилди. Шахрисабз туманида мавжуд 39,8 мингта деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган 2,9 минг гектар экин майдонидан 2,6 минг гектарига эртаки ва 515 гектарига такрорий экинлар экилди. Яққабот туманида мавжуд 37,6 мингта деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган 4,2 минг гектар экин майдонидан 3,6 минг гектарига эртаки ва 730 гектарига такрорий экинлар экилди. Китоб туманида мавжуд 45,9 мингта деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларига ажратилган 3,5 минг гектар экин майдонидан 3,2 минг гектарига эртаки ва 500 гектарига такрорий экинлар экилган³. Минтақа

¹ <https://qashstat.uz/index.php/uz/438-biulleteny-uz/4237-press-relizlar2019>

² <https://qashstat.uz/images/press-reliz/demografiya/2019/uz/yanvar-dekabr>

³ <https://qashstat.uz/images/press-reliz/selxoz/2019/uz/yanvar-dekabr> ва Қашқадарё вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши маълумотлари. Қарши. 2020 йил.

аҳолиси ердан самарали фойдаланиш усуллари ўзлаштирган ҳолда нафақат ўзларининг молиявий мустақиллигини мустаҳкамламоқда, шунингдек, бозорда ушбу маҳсулотлар таклифини йил мобайнида таъминлаб бориш имкониятини яратмоқдалар.

2019 йилда биринчи марта аҳоли томорқалари ва деҳқон хўжалиklarининг экин майдонларига ҳукумат қарори орқали ҳар бир маҳалланинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда экинлар жойлаштирилди. Шунингдек, “Бир маҳалла – бир маҳсулот тамойили” асосида маҳаллаларни муайян маҳсулот етиштиришга ихтисослаштириш орқали хонадонлар ва томорқа хизмати корхоналарининг кооперацияси яхши самара бермоқда. Чунки маҳаллаларнинг бир маҳсулот етиштиришга ихтисослашуви бизнинг мамлакатимиз амалиётида кенг миқёсда қўлланилмаган. Маҳалладошлар ўртасида ўзаро тажриба алмашиш жараёни, муносабатларнинг яхшиланиши харажатларнинг оптималлашуви, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг ошишига олиб келди.

Қуйидаги 1-жадвал маъмуотларини таҳлил қиладиган бўлсак, вилоятда мавжуд 748 та маҳалла фуқаролар йиғинидан 52 таси (6,9%) “Бир маҳалла - бир маҳсулот” тамойили асосида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга ихтисослашган маҳаллалардир. Уларда жами 12893 та хонадонлар рўйхатга олинган бўлиб, жами ер майдони 773,6 гектарни ташкил этади. Вилоятнинг туманлари кесимида таҳлилни амалга оширадиган бўлсак, Қарши туманида 3 та маҳаллада 525 та хонадоннинг 31,5 гектар, Миришкор туманида 4 маҳаллада та 1002 та хонадоннинг 60,1 гектар, Деҳқонобод туманида 4 та маҳалланинг 1228 та хонадоннинг 73,7 гектар ерида боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик, паррандачилик, полизчилик ва картошқачилик бўйича маҳаллалар табиий шароитлардан келиб чиққан ҳолда ихтисослаштирилган. Бунинг натижасида вилоятда истеъмол товарлари нархлари индексида сезиларли ўзгариш кузатилмади, шунингдек, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳосилдорлиги ва маҳсулдорлик ошишига эришилди.

2019 йилда Қашқадарё вилояти туманларидаги 738 та МФЙда истиқомат қиладиган 462606 деҳқон ва томорқа ер эгаларининг жами 55964 гектар ерининг 9045 гектарига тўқсонбости экинлари, 46919 гектарига эрта баҳорда экиладиган экин-

лар, 10332,2 гектарига такрорий (ўртаки) экинлар экилди. Жами қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш 589007 тонна режалаштирилган бўлиб, амалда 591834,3 тонна маҳсулот етиштирилди. Шундан 302861 тонна сабзавот, 177171,8 тонна полиз, 64232,3 тонна картошка, 23105,7 тонна дуккакли экинлар, 810,5 тонна мойли экинлар ва 23653 тонна бошқа экинлардан ҳосил олинди.

Қашқадарё вилояти туманларида имкониятлар кенг бўлишига қарамай экин майдонларидан тўлақонли фойдаланилмайдиган, бунинг сабабларидан бири вилоятда мавжуд 15 та “Томорқа хизмати” МЧЖ моддий-техника базаси тўлиқ шаклланмаганидир.

Хулоса ва таклифлар.

Ўтказилган илмий ва амалий тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

– вилоят аҳолисининг асосий қисми қишлоқ жойларида истиқомат қилишини ва меҳнат ресурсларининг тўла банд қилиш мақсадида вилоятда тизимли ишларни янада самарали ташкил қилинса мақсадга мувофиқ бўлар эди;

– вилоятнинг кўпчилик туманларида қулай тупроқ-иқлим шароитлари ва барча имкониятлар бўлишига қарамасдан йилига бир марта ҳосил олиш билан чекланилмоқда, ерлардан самарасиз фойдаланиш ҳолатларига йўл қўйилмоқда, ушбу муаммони ҳал қилиш учун қишлоқ хўжалиги экинларидан йилига бир неча марта ҳосил олиш бўйича аҳолида мотивацияни шакллантириш, уларнинг билим, кўникма ва малакаларини ошириш лозим;

– жойларда ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида аҳолининг томорқаларидан самарали фойдаланишга кўмаклашувчи ва уларни қўллаб-қувватловчи “Томорқа хизмати” МЧЖлар моддий-техник базасининг етарли эмаслиги натижасида аҳоли томорқаларидан олинадиган унумдорлик ва улардан келадиган даромад миқдори паст бўлмоқда. Натижадорликни янада ошириш учун жойлардаги “Томорқа хизмати” МЧЖлар фаолиятини тўлиқ йўлга қўйиш ва моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур;

– вилоят аҳолисининг кўпчилиги 4-6 сотиҳли хонадонларда истиқомат қилади, хонадонларда яшаш жойи ва дов-дарахтларни ҳисобга олган ҳолда деҳқончилик билан шуғулланиш учун экин майдонларининг кам қолиши ва иссиқхона билан ишлаш маданиятини шаклланиши ва катта

1-жадвал. Қашқадарё вилоятида аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиб, “Бир маҳалла бир маҳсулот” тамойли асосида ихтисослашган маҳаллалар тўғрисида маълумот¹

№	Туман номи	МФЙ номи	хонадонлар сони	жами ер майdonи, га	Боғлар						Сабзавотлар						Картошка	Полиз	Чорвачилик	паррада
					олма	ўрик	шафтоли	анжир	узумчилик	Сабзи	Помидор, пиез	бодирниг	кулпнай	Бултор калампири	Сабзавотчилик	Сабзавотчилик				
1	Яккабоғ	Эсат	256	15,4	Боғдорчилик															
		Хиёбон	321	19,3						Сабзавотчилик										
		Уламжи	124	7,4	Боғдорчилик															
2	Қамаши	Жийда	241	14,5					Сабзавотчилик											
		Чайдори	356	21,4					Сабзавотчилик											
		Чим	333	20,0					Сабзавотчилик											
		Қорабоғ	267	16,0					Сабзавотчилик					Картошка					Куркачилик	
		Тўқбой	431	25,9					Сабзавотчилик							Полиз				
3	Чироқчи	Қоратепа	214	12,8											Сабзавотчилик					
		Кўқдала	568	34,1												Полиз				
		Чияли	742	44,5												Полиз				
		Уйшун	253	15,2												Полиз				
		Айритом	500	30,0												Полиз			Куркачилик	
4	Китоб	Бештерак	240	14,4	Боғдорчилик															
		Варганза	358	21,5	Боғдорчилик															
		Макрид	111	6,7	Боғдорчилик															
		Боғишамол	168	10,1	Боғдорчилик															
		Анорзор	104	6,2	Боғдорчилик															
5	Шаҳрисабз тумани	Аёқчи	132	7,9															Чорвачилик	
		Мактаобод	115	6,9						Сабзавотчилик										
		Янгибоғ	164	9,8	Боғдорчилик															
		Мўминобод	122	7,3	Боғдорчилик															
		Қиёмшайх	148	8,9											Сабзавотчилик					
Жами вилоят бўйича		52	12893	773,6																

¹ Қашқадарё вилоят фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Кенгашининг 2019 йилда вилоятда амалга оширилган ишлар бўйича ҳисоботи маълумотлари асосида муаллифлар томонидан қайта ишланди. Қарши. 2020 йил.

йўқотишларнинг олдини олиш мақсадида аҳоли хонадонларида 1-1,5 сотихли ихчам иссиқхоналар ташкил этишни кўпайтириш керак;

– аҳоли хонадонларига экин экиш ишларини ташкил этишга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича салоҳиятли фермер хўжалиklarини томорқа ер эгаларига бириктириш ва бу амалиётни кенг давом эттириш лозим, чунки салоҳиятли фермерлардан аҳоли ер билан ишлаш маданиятини тезроқ ва амалий ҳолатда ўзлаштиришга эришади;

– интенсив чорва боқишни томорқа касаначилиги асосида ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва даромадини ошириш керак;

– жойларда аҳоли бандлигини ошириш ва уларга тез даромад келтириш имконини берувчи интенсив қуёнчиликка ихтисослашган маҳаллалар сонини ҳамда уларда парваришланаётган қуёнлар бош сонини ошириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Шодмонов Ш.Ш, Джураев Т.Т. Иқтисодиёт назарияси. Ўқув қўлланма. -Т.: «Молия», 20
2. Ваҳобов А.В. Бозор муносабатларига ўтиш босқичида кўп укладли иқтисодиёт ва уни ҳосил бўлиши. -Т.: «Молия», 2002
3. Хуррамов А.Ф. Фермер хўжалиklarида кооперациянинг назарий асослари ва муаммолари. - Т.: «Фан», 20
4. Муродов Ч.М. Ўзбекистон иқтисодиётини эркинлаштириш шароитида бозор инфратузилмасининг ривожланиши: Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т. ЎзБИИТИ, 20
5. Усмонов С.Н. Дехканское (фермерское) хозяйство. -Т.: 19
6. Салимов Б.Т., ва бошқалар. Дехқон ва фермер хўжалиklари иқтисоди. - Т.: Ўзбекистан ёзувчилар уюшмаси Адабиёт жамғармаси нашриёти. 20
7. Хусанов Р., Қосимов Н. Дехқон хўжалигининг илмий-амалий асослари. -Т.: «Чўлпон» нашриёти, 20
8. Беркинов Б.Б. Дехқончилик хўжалиklари ривожланишининг ташкилий-иқтисодий муаммолари. «Иқтисодиётни эркинлаштириш ва аграр ислохотларни чуқурлаштириш шароитида дехқон хўжалиklarини ривожлантириш муаммолари» мавзусидаги илмий-назарий конференция материаллари. - Т.: 20
9. Назарова Ф. Регулирование аграрного сектора экономики Узбекистана в условиях перехода к рыночным отношениям. Автореферат дис. док. эконом. наук. Т.: 20
10. Олимжонов О., Фармонов Т. ва бошқ, Фермерлик фаолиятининг ҳуқуқий ва молиявий асослари / Олимжонов О. таҳрири остида. - Тошкент: 20
11. Мўминов А. Шахсий томорқа хўжалигининг имкониятлари. -Т.: 19
12. Шодиева Г.М. Оила хўжалиги фаровонлигини оширишда ташкилий-иқтисодий омилларни ва сервисни ривожлантириш муаммолари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Самарқанд. 2008.
13. Becker G.S. A Treatise on the Family. Cambridge, 1981.
14. Беккер Г. С. Выбор партнера на брачных рынках // THESIS: теория и история экономических и социальных институтов и систем. — 1994. — № 6 — С.12-36 (англ. Assortative Mating in Marriage Markets, 1991).
15. Schultz T.W. Economics of the Family: Marriage, Children, and Human Capital. — Chicago: University of Chicago Press, 1974.
16. <https://www.qashstat.uz>
17. Қашқадарё вилоят фермер, дехқон хўжалиklари ва томорқа ер эгалари Кенгаши маълумотлари. Қарши. 2020 йил.